ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 20 (247) | 2001 йил 9 май, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Олий Мажлисда 5 май куни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Бу сайловни фуқаролар йиғинлари раислари /оқсоқоллари/ ва улар маслаҳатчиларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари муддати тугаётганлиги муносабати билан шу йилнинг май-июнь ойларида ўтказиш тайинланган бўлиб, Олий Мажлис Кенгаши бу хусусда қабул қилган қарор Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганди.

Семинар-кенгаш ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ташкилий-кадрлар ишлари бўйича гуруҳларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш комиссияларининг раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, бир қанча шаҳарча ва қишлоқ /овул/, шунингдек, Тошкент шаҳар маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг раислари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари раҳбарлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили /омбудсман/, Олий Мажлисдаги депутатлик фракциялари раҳбарлари, парламентда доимий асосда ишлаётган депутатлар ва Олий Мажлис Котибиятининг ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси, Конституциявий суд, республика Прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари, Ўзбекистоннинг бир қанча жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари намояндалари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўсиб бораётган роли ҳақида семинар-кенгаш қатнашчилари олдида маъруза билан сўзга чиқди.

Сўнгра семинар-кенгаш қатнашчилари олдида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Гуломова сўзга чиқди. Нотиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш масалаларига тўхталди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов семинар-кенгашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг янги қоидалари ҳамда норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида маъруза қилди. Адлия вазирининг ўринбосари Б.Мустафоев ўз нутқида фуқаролар йиғинларининг раислари /оқсоқоллар/ ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш вазифаларига тўхталди. Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов бўлғувси сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари ҳақида нутқ сўзлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакатимиз ҳаётида ортиб бораётган роли, фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонунларга қатъий риоя этиш, ёшлар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олиш ва рўйхатга олинмаган диний ташкилотлар фаолиятига йўл қўймаслик, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида семинар-кенгашда Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг мудири Б.Қўчқоров, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш.Жалилов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ф.Собиров, Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Хўжаева сўзга чиқдилар.

Шундан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро иш тажрибаси алмашдилар. Семинар-кенгаш қатнашчилари олдида Андижон шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Зиёев, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Самарқанд вилояти бўлимининг раиси Т.Қурбонов, Бухоро вилояти Жондор тумани ҳокимининг ўринбосари Р.Раҳимова, Қарши шаҳридаги Ф.Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Жалилов, «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Ф.Йўлчиев, Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» маркази директори Р.Убайдуллаева, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси А.Қодиров, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги Бўзёр овул фуқаролар йиғини раиси Р.Ҳайитбоев, Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокимининг ўринбосари И.Абдуллаев сўзга чиқдилар.

Уруш ўзбек халқи учун қай даражада қимматга тушганлигини истеъфодаги генерал лейтенант Собиржон Охунжонов яхши билади. У урушни ҳарбий бўлиб бошидан кечирди, бир неча оғаларидан ажралди. Шу боисдан унинг ёш авлод билан суҳбати тинчликнинг қадр-қиммати ҳақида бўлади.

Р.НУРИНБОЕВ олган сурат.

Э.Ҳ. ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси,
юридик фанлари доктори

АДОЛАТ БУ – ҚОНУНИЙЛИКДИР

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика семинар-кенгашидаги

МАЪРУЗА дан

Ҳурматли Республика семинар-кенгашининг қатнашчилари!

Дўстлар!

Сизларнинг барчангизни Ўзбекистон парламентининг ушбу муҳташам биносида самимий қутлашга ижозат бергайсизлар. Олдиндан шуни айтмоқчиманки, биз бўлажак сайлов кампаниясига кенг сиёсий кўламда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" номли асарда баён этилган ва иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузаларида илгари сурилган янги юз йиллик бошида мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик дастури нуқтаи назаридан қарамоқдамиз.

Ёдингизда бўлса, ҳаётимизнинг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ҳамда жамиятни демократлаштиришда маҳаллаларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ва мавқеини ошириш зарурлиги тўғрисидаги давлатимиз раҳбарининг сўзлари айнан мана шу залда янграган эди. Шу боисдан ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини мустаҳкамлаш ҳақидаги Президентимизнинг қимматли таклифларини амалга ошириш йўллари тўғрисида бугун худди мана шу залда суҳбатлашаётганимизда ҳам чуқур рамзий маъно бор. Барчангиз шу бугун, мана шу жойда, Олий Мажлис биносида бўлажак ишларнинг руҳи ва мазмунини чуқур англаб етишингизни, яқинлашиб келаётган сайловларнинг сиёсий, ижтимоий аҳамиятини ҳис қилишингизни истар эдик.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ҳамда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2001 йилнинг май-июнь ойларида тугаши муносабати билан мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига янги сайлов ўтказилади. Бу ҳақда Олий Мажлис Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди. У оммавий ахборот воситалари орқали Сизларга таниш.

Яқин икки ой ичида Ўзбекистоннинг барча шаҳарча, қишлоқ ва овулларида, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овуллардаги маҳаллаларда фуқаролар йиғинларининг 9 мингдан зиёд раислари (оқсоқоллари)ни сайлаш керак бўлади. Сайланадиган маслаҳатчилар эса бундан бир неча баробар кўп. Бу аҳоли кенг қатламлари вакилларининг қанчалик катта армияси эканлигини ва улар зиммасига жойларда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида қанчалик масъулиятли вазифалар юклатилганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Айнан шунинг учун ҳам биз бўлажак сайлов кампаниясини ташкил этишга катта эътибор бериб, бугун алоҳида семинар-кенгаш ўтказмоқдамиз.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ҳамда олиб борилаётган демократик ислоҳотларда фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида муҳим босқич ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузини ошириш зарурлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бир неча бор гапирган эдилар. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузаларида давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтган қуйидаги гапларни эслаб ўтиш зарур деб ҳисоблайман, яъни:

"Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур.

Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда.)

Д.М. ҒУЛОМОВА,
Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари,
Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси

ДАВЛАТ ВА МАҲАЛЛА

Семинар-кенгашдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ваколатини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

МАЪРУЗА дан

Ассалому алайкум, ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Ўтиш даври қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтиш, шу билан бирга каттадан-катта ютуқларга эришиш замирида ҳеч қайси бир ривожланган мамлакатда бўлмаган демократик институт – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолияти ҳам ётибди.

Республика Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов юртимиз мустақил бўлгандан кейинги дастлабки йилларданоқ маҳаллалар фаолиятига, уларнинг жамият ривожидаги ўрнини оширишга катта аҳамият бердилар. Ўзбекистон Конституциясида, махсус қонунларда маҳалланинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди.

Яқин тарихга назар солсак, Республика Президентининг 1992 йил 12 сентябрида эълон қилинган "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги, ўша йилнинг 8 октябридаги "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида"ги Фармонлари жамият ҳаётида туб бурилиш ясади.

Ушбу тарихий Фармонлар эълон қилингандан кейин Республика Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳалла" хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш, унинг фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги энг муҳим масалалардан бўлган кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, болалик оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш каби масалалар маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинларига юклатилди.

1998 йил 23 апрелда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги, 1999 йил 13 январда эса "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида"ги Фармонлари ушбу органлар ваколатини ва масъулиятини босқичма-босқич кенгайтириб борилаётганлигидан далолатдир.

Бундан ташқари ҳукуматимизнинг қарорлари билан жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳокимликлар ҳузурида махсус комиссиялар, "Маҳалла посбони", Яраштириш комиссияларнинг ташкил этилиши аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга замин яратди.

Жорий йилнинг 17 апрелида эълон қилинган "Коммунал хизмати соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида"ги Президентимиз Фармони билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига яна бир муҳим вазифа юклатилди.

Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда барқарорликни таъминлашдаги фаолиятининг мазмунмоҳияти мамлакатимизнинг ривожланишига таъсир этувчи омилдир. Чунки айнан маҳаллада ҳар бир инсоннинг дунёқараши шаклланади. Маҳаллада миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ривожланади. Маҳаллада фуқаролар манфаатлари жамоа сифатида ифодаланади. Айнан шу масканда оилалардаги иқтисодий-ижтимоий муаммолар ҳал қилинади, кам таъминланган, кўп болали оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатини кенгайтириш, уларга маҳаллий ҳокимлик идоралари ваколатларини босқичма-босқич бериб боришга эришишимиз даркор.

Бунда ҳокимликлар томонидан айрим ҳудудларда юз берётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тўғридан-тўғри аралашиш, айрим ҳолларда уларга раҳбарлик қилиш каби эскилик иллатларидан воз кечиб, маҳаллий ҳокимлик идораларига муқобил жамоат органи сифатида қарашни шакллантиришимиз даркор.

Жорий йилнинг 9 апрел куни Республика Олий Мажлиси Кенгашининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан ўтказиладиган катта аҳамиятга молик бўлган оқсоқоллар ва маслаҳатчиларнинг сайловларида ушбу лавозимларга ташкилотчилик қобилиятига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга сазовор бўлган шахсларни танлашда жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашиш тақозо этилади.

Маълумки, ҳозирги кунда фуқаролар йиғинлари раисларининг фақат 6 фойизигина хотин-қизларни ташкил қилади. Бу ҳолни ижобий дея олмаймиз.

Маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчисилигига сайланган раҳбар ходимларни уларнинг замон талаблари асосида касб-малакаларини ошириш, раҳбарлик кўникмаларини шакллантириш учун "Маҳалла зиёси" марказининг жойлардаги бўлимларини ташкил қилиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳамда улар фаолиятини молиялаштиришни ҳал қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг тақдири шу жумладан, маҳаллалардаги вазият ҳам кадрлар тайёрлашга чамбарчас боғлиқдир.

(Давоми 2-бетда.)

СОҲИБИНГ

2-саҳифасида:

● «Муносиб оқсоқолни сайлайлик!» Республика Олий Мажлисида бўлиб ўтган семинар-кенгашда бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

3-саҳифасида:

● Маҳалла муаммоларини ечишда оқсоқолга камарбаста ва мададкор ҳокимлар кўп. Бойсун тумани ҳокими ҳам шулар жумласидан.

● Бир гектар теракзор 340 килограмм чангни ютса, бир туп чинор 10 та совутгич мосламанинг салқинлигини берар экан. Демак...

● «Тинтув ўтказишга ҳаққингиз борми?» деб сўрашга ҳаққингиз бор!

4-саҳифасида:

● Ҳадиси шарифда ҳалокатга олиб борувчи етти хил гуноҳдан сақланинглар, дейилган. Судхўрлик - ана шу етти гуноҳнинг биридир!

● Футболимиз қувончлари.

● Халқ ўз ўғлонлари номини қалб ардоғида тутади, унутмайди!

АНА ХОЛОС

Сурхондарё вилояти

НОМИНГИЗДАН УЯЛМАЙСИЗМИ?

ёхуд Сурхондарёдаги алмисоқдан қолган номлар хусусида атиги бир... йўғ-э икки шингил

БИРИНЧИ ШИНГИЛ: «МОПР» ДЕГАНИ НИМА ЎЗИ?

Жарқўрғон туманининг «Шарқ Юлдузи» ширкат хўжалиги ҳудудидаги бир маҳалла «МОПР» деб аталаркан. Ҳа, катта йўлнинг бўйида ва ичкарироқда «МОПР» маҳалласи» деб катта-катта ҳарфлар билан битилган атама мазмуни билан қизиқдик. Чунки бунақа сўзни ўқимаган, балки қачонлардир тарих китобларидан ўқиган бўлсак-да, хотирамиздан кўтарилиб кетган бўлиши эҳтимол. «МОПР»нинг маъноси нима бўлди экан деб иккиланиб турганимизда шу ердаги мактабнинг тарих ўқитувчиси жонимизга оро кирди.

- Агар адашмасам, «МОПР» қисқартирилган сўзлар бўлиб, «Международная организация помощи рабочим» дея шарҳланади, - деди муаллим. - Қишлоғимизнинг асли номи эса Бўлакай.

- Бир замонлар Бўлакайда халқаро ташкилот бўлганми? - сўраймиз муаллимдан.

- Менимча, йўқ. Бу энди собиқ тузумга бир вақтларда бўлган садоқат рамзи сифатида қўйилган бўлса ажабмас.

Шарқ Юлдузи қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Раҳим Жабборовнинг айтишича, «МОПР» маҳалласида 1700 дан ошиқ одам яшаркан.

Маҳалланинг номини кўриб ҳайрону лол бўлиб юрган эдик, бир киши шошиб келиб, бизга «МОПР» атамасининг мазмунини «Молодёжная организация помощи революционерам» бўлади деди. Ана холос...

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ.

ИККИНЧИ ШИНГИЛ: «ҚИЗИЛ ҚОЛОҚ»ЛАР ҲАҚИҚИЙ ҚОЛОҚЛАР ЭКАН

Вилоятда айрим шаҳар, туман ҳокимликлари, атамашунослик қўмитасидагилар ҳали-ҳамон жой номлари масаласида ягона-адолатли ечимга кела олмаяптилар. Ҳозиргача Денов туманидаги «Қизилдеҳқон» (раиси Раҳмонберди Эшонқулов), Узун туманидаги «Қизил Деҳқон» (раиси Б.Эшонмуродов), «Қизил ой» (раиси М.Мирзаев), Сариосиё туманидаги «Қизил Шарқ» (раиси Раҳматулло Нарзуллаев), Бандихон туманидаги «Қизил қолоқ» (раиси Тоғаймурод Бозоров), Ангор туманидаги «Қизил тўлқин» (раиси Х.Раҳмонов), «Қизил Юлдуз» (раиси Т.Абдураимов), Термиз шаҳридаги «Қизил Шарқ» (раиси Эшқобил Поёнов) номлари билан аталаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари бор.

Узун туманидаги «1 Май» (раиси Х.Олимов), Шўрчи туманидаги «Беш йиллик» (раиси Мавлон Шерхонов), Ангор туманидаги «Деҳқонбирлашув» (раиси Бегам Чоршанбиев), «Деҳқон иттифоқи» (раиси Салима Мансурова), Музработ туманидаги «Искра» (раиси С.Нурмуҳамедов) каби маҳалла фуқаролар йиғинлари истиқомат қилувчилар ҳам охир-оқибат тақдирга тан берганга ўхшайдилар.

Ҳар қандай атама, ном ҳам албатта, ўз даврининг, мавжуд тузумнинг ўзига хос тамғаси эканлигини биламиз. Лекин бу дунёда билиш бошқа экан-у, бироқ ундан, борингки, «тамға»дан ажралиш бошқа гап экан. Денов туманида олис йиллардаги ҳужум ҳаракатини мудом ёдга солиб турувчи «Ҳужум» маҳалла фуқаролар йиғини бор. Унга Ҳўжамурод Эшмуродов раислик қилиб келади. Музработдаги «Искра» ҳақида энди гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Балки баъзилар бизнинг эътирозимизга эътироз билдиришар: «Нима бўпти, номлар ҳам бир тарих-ку!» Тўғри, бу атама, номлар ҳам тарих. Лекин қўнгилга эрта-кеч соя ташлаб турадиган тарихдир. Ҳолбуки вилоятдаги ҳар бир кўча, гўша, маҳалланинг, овулнинг, ҳатто кичкина бир қир, тепалик, ҳатто жарликнинг ҳам ўз қадимий номи бор. Ном бўлганда ҳам жозибали, номи ўзига муносиб номлардир. Лекин гап бошқа экан-у, амалда ишлар бошқача экан. Хуллас, Қизил маҳаллалар ёхуд «Қизил қолоқ» маҳаллалар борлиги ачинарли.

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

МУНОСИБ ОҚСОҚОЛНИ САЙЛАЙМИЗ

2001 йил 9 май
№ 20 (247)

СЕМИНАР — КЕНГАШ

АДОЛАТ БУ – ҚОНУНИЙЛИКДИР

(Боши 1-бетда)

Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳам айнан мана шу масала ташкил қилади".

Халқнинг ўз ташаббускорлиги ва ижодкорлиги билан барпо этилган фуқаролар йиғинлари - маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ бўлган ноёб миллий шакли ҳисобланади.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигига эришилган дастлабки кунларданоқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ва мавқеини оширишга катта эътибор бериб келинмоқда. Маълумки, 1992 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташкил этилган, 1993 йилда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун илк бор қабул қилинган эди. 1999 йилда эса Олий Мажлис томонидан ушбу Қонун яна такомилига етказилиб янги таҳрирда қабул қилинган эди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида қандай асосий вазифалар турибди?

БИРИНЧИДАН. Туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан, шунингдек тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитиб бориш орқали ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оилани давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалаларини ҳал этиш орқали қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоат назоратини амалга ошириш.

ИККИНЧИДАН. Ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий қадриятлари, унинг кўп асрлик анъаналари, урф-одатлари, маданиятини қайта тиклаш, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, рўйхатга олинмаган диний ташкилотлар фаолиятига, ёт қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларига чек қўйиш.

УЧИНЧИДАН. Шаҳарларимиз ва қишлоқларимиз кўчаларида сокин ва хавфсиз вазиятни сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ҳар томонлама кўмаклашиш. Шу маънода "Маҳалла посбонлари" фаолларидан самаралироқ фойдаланиш, уларнинг таркибига ҳар томонлама тайёргарлик кўрган кишиларни киритиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш зарур. Маҳаллаларда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш – ҳар бир фуқаронинг муқаддас иши.

ТЎРТИНЧИДАН. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Фармонига мувофиқ тўйлар, маросимлар, маракалар ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказишнинг янги шаклларини тарғиб қилиш. Тўйларни, бошқа маросимларни ортиқча дабдабасиз ўтказиш – бу айни халқимиз анъаналари ва урф-одатларига мос келувчи, инсоннинг маънавияти, ахлоқи ва маданиятидан дарак берувчи белги эканлигини кишилар онгига сингдириш даркор.

БЕШИНЧИДАН. Хотин-қизлар, болалар ва қариялар тўғрисида ғамхўрлик. Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббусига кўра бу йил – Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган. Бу борадаги Давлат дастурини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари катта ўрин тутиши шубҳасиз. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш масалалари доимо уларнинг диққат эътиборида бўлмоғи лозим.

Соҳибқирон Амир Темурнинг "Куч – адолатдадир" деган машҳур ибораси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг мазмунини жуда аниқ белгилаб беради.

Адолат – бу аввалambор қонунийликдир. Шундай экан ўз-ўзидан қуйидагича хулоса келиб чиқадики, яъни миллий қонун ҳужжатларини яхши билиш ва уни амалда қўллай олиш - фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатиладиган номзодларга қўйиладиган энг зарур талаблардан ҳисобланмоғи керак. Ҳамма жойда қонун устуворлиги тамойилининг қарор топиши XXI аср бошида жамиятимиз олдида турган энг муҳим сиёсий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу ўринда ҳам биз фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг янги кадрлар таркибига катта умидлар боғлаймиз.

Ҳурматли семинар-кенгаш қатнашчилари!

Бўлажак сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказиш аввало Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг масъул ходимларига боғлиқ. Олий Мажлис Кенгаши қарорида ҳокимларга фуқаролар йиғинларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ташкилотчилик қобилиятига, аҳоли ўртасида юқори нуфуз ва обрў-эътиборга эга бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ва изчил ўтказилиши муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни амалга оширишга қодир бўлган шахслар сафидан танлаб олишда кўмаклашиш тавсия қилинган.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлаш илгариги шундай сайловни ташкил этишда тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи керак. Агар номзод иккинчи муддатга тавсия этилаётган бўлса, бундай ҳолда унинг илгариги йилларда эгаллаб турган лавозимида муваффақиятли фаолият кўрсатганлиги уни тавсия этишда асосий мезон бўлмоғи даркор. Агар янги номзод таклиф этилаётган бўлса, унда кишининг тайёргарлик даражаси, унинг ишчанлик, ахлоқий сифатлари, ташкилотчилик ва бошқа қобилиятларини эътиборга олмоқ зарур. Бу лавозимларга ҳалол, билимдон, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида муносиб равишда катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кишилар келиши муҳимдир. **Ана шундай кишиларни аниқлаш мақсадида айрим жойларда маҳалла аҳли ўртасида олдиндан ижтимоий сўров ўтказган маъқул.**

Номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ масалаларини яхши билиши, янгича фикрловчи кишилар бўлмоғи даркор. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига фақат кекса кишилар эмас, балки катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ташаббускор ёшлар ҳам номзод қилиб кўрсатилмоғи лозим. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган мураккаб, масъулиятли вазифаларни ҳал этиш маҳорати, кишилар билан ишлашга шайлиги ва уларни ўз ортидан эргаштира олиш маҳорати номзодларнинг асосий хислати бўлмоғи керак.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ўтказиш билан бир вақтнинг ўзида фуқаролар йиғинларида (вакиллар йиғилишларида) раислар (оқсоқоллар)нинг ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилиши ва муҳокама қилиниши керак. Ҳисоботлар танқидий руҳда бўлиши, ишларнинг ҳақиқий аҳволини чуқур таҳлил этиши ва уларда ишни такомиллаштиришга доир аниқ таклифлар билдирилиши зарур. Ҳисоботни тайёрлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини барча иш йўналишлари бўйича ва биринчи навбатда, қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларини амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қандай кўмаклашилгани пухта таҳлил этилмоғи даркор.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш демократик вазиятда ўтиши ва бунда ҳисобот-сайлов йиғилишининг ҳар бир қатнашчиси ўз танқидий фикр-мулоҳазалари ва таклифларини эркин билдира олиши зарур. Шундан сўнг ушбу фикр-мулоҳаза ва таклифларни атрофлича ўрганиб, умумлаштириш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари режасини тузиш зарур. Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида аҳолини ва муҳокама этилган масалалар юзасидан сўзга чиққан фуқароларни ўз вақтида хабардор қилиш лозим.

Биз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни муҳокама қилишда ҳам, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишда ҳам Олий Мажлис депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари фаол иштирок этади, деб умид қиламиз. Ўйлаймизки, бу депутатлик ишини такомиллаштиришнинг, аҳоли билан жонли мулоқот қилишнинг яхши бир шаклидир.

Маълумки, қонун бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти тизимига кирмайди. Бироқ, бу - бўлажак сайлов кампанияси фақат фуқаролар йиғинларининг иши, деган маънони англатмайди. Бу ўринда давлат органларининг ёрдамисиз иш қилиб бўлмайди.

Бўлажак сайлов кампаниясига тайёргарлик кўришда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида Олий Мажлис Кенгаши "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисидаги намунавий низом"ни тасдиқлади. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар комиссияларини олдиндан тузиш тавсия этилган. Бу комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли ҳокимларнинг қарорларига биноан тузилиши керак. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари ёки улар кенгашларининг қарорига кўра сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларини тузиш ҳам тавсия қилинган.

Комиссия таркибига фуқаролар йиғинлари, халқ депутатларининг тегишли Кенгаши, ҳокимлик, бошқа давлат бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари (Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси, "Маънавият ва маърифат" кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқалар)нинг вакилларини киритиш таклиф этилади.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари киритилади. Ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини ўтказиладиган вақт ва жойни белгилайди; шунингдек йиғин қатнашчилари сонини аниқлайди; ушбу ҳудудда фуқаролар йиғинини ёки фуқаролар йиғилишини ўтказиш кераклигини ёхуд керак эмаслигини белгилайди; аҳолини йиғин ўтказиладиган жой ва вақт ҳақида олдиндан хабардор қилади. Ҳовлилар, турар жой бинолари, кўчалар, маҳаллалардан йиғинга кўрсатиладиган вакиллик нормаси тўғрисида ишчи гуруҳи билдирган таклифлар кейинчалик уларни туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ёки ҳокими кўриб чиқиши учун тегишли комиссияга киритилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этишда, уни мафкуравий жиҳатдан таъминлашда жамоат бирлашмаларининг ўрни каттадир. Бу ўринда гап фақат ушбу ишлардаги иштироки яққол кўриниб турган Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳақида эмас, балки "Камолот", "Маънавият ва маърифат", "Нуроний" ҳамда бошқа ташкилот ва жамғармалар ҳақида бормоқда. Ҳар бир жамоат ташкилотининг оммага ўз таъсири бўлади.

Ўйлаймизки, бундай йирик ижтимоий воқеликдан сиёсий партиялар ҳам четда қолмайдилар. Уларнинг барчаси маҳаллаларда ўз хайрихоҳларига эга. Улар учун ўз шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳарларининг яқин келажакдаги ҳаёти қандай бўлишини билиш жуда-жуда муҳимдир.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайлови чинакам демократия ва муқобиллик асосида ўтиши жуда муҳимдир. Хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва ўз йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи бизнинг мамлакатимизда фуқаролар конституциявий ҳуқуқларининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам бу ҳуқуқларга оғишмай риоя этилмоғи даркор. Номзодлар кўрсатиш, овоз бериш ва унинг якунларини чиқариш қонун ҳужжатларига ва демократик тамойилларга қатъий мувофиқ тарзда, ошкора ўтказилмоғи зарур. Шу ўринда ҳокимликларнинг ходимларига фуқаролар йиғинларига ўзларига ёққан номзодларни тиқиштиришга уринишлардан тийилиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Сизларнинг номзодларингиз қандай ажойиб кишилар бўлишидан қатъи назар, масалани узил-кесил ҳал қилиш ҳуқуқи маҳаллалар вакилларининг ўзларида қолмоғи керак. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари сайлов жараёнига аралашиб, унинг якунини олдиндан ҳал қилиб қўйишга уринишлари эмас, балки сайловни ташкил этишга кўмаклашишлари зарур. Ҳокимият сайлов кампанияси мобайнида маҳалла фуқароларининг хоҳиш-иродасига, улар қабул қилган қарорларга нисбатан одоб ва ҳурмат билан муносабатда бўлмоғи даркор. Бу ўринда гап фақат сайловни эркин, ҳалол ўтказиш ҳақидагина эмас, балки умуман ҳокимиятнинг ўз обрўси ҳақида бормоқда. Бу обрў эса ҳокимият вакиллари сайлов кампаниясида ўзларини қандай тутишларига боғлиқдир.

Ҳозирги вазиятда маҳаллий ҳокимият тузилмаларининг асосий вазифаси – сайловни муваффақиятли ўтказиш учун қулай сиёсий, ғоявий, моддий-техникавий шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Бу ўринда аввало асосий эътиборни ишнинг маъмурий усулларига эмас, балки ишонтириш, тушунтириш, тарғиб қилиш каби усулларига, аниқ амалий ёки бошқа ёрдам кўрсатишга қаратмоқ зарур. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари: кексалар, хотин-қизлар, ёшлар, шаҳарликлар, қишлоқликларнинг ижтимоий психологияси, дунёқарашининг хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. "Тўртинчи ҳокимият" бўлажак сайлов кампанияси жараёнида ошкоралик ва қонунийлик муҳитини яратишда катта ўрин тутмоғи даркор. Марказий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари журналистларининг бурчи - ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишдан, жамиятда демократик тамойилларни мустаҳкамлаш борасида мамлакат раҳбарияти ва маҳаллий ҳокимият органлари олиб бораётган ишларнинг моҳиятини тушунтиришга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборатдир. Айни вақтда матбуот, телевидение ва радио энг яхши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, айрим раислар ва улар маслаҳатчиларининг ижобий иш тажрибасини тарғиб қилиши зарур.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этишда Хотин-қизлар қўмитасининг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги эътироф этилган, хотин-қизларга сайловларда, давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишида фаол иштирок этиш учун барча ҳуқуқлар кафолатлаб берилган. Хотин-қизларни сайлов жараёнига фаолроқ жалб этиш, уларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига раҳбарлик лавозимларига дадилроқ кўтариш зарур.

Маълумки, бизнинг мамлакатимиз кўпмиллатли давлатдир, у миллати ўзбек бўлмаган миллионлаб фуқароларнинг ҳам муқаддас Ватани саналади. Бу миллат ва элатлар вакилларининг барчаси маҳалла билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам сайлов турли миллат вакилларини имкони борича кенг жалб этган ҳолда ўтказилмоғи жуда муҳимдир.

Сайлов ташкилотчиларига бўлажак катта тадбирга миллий маданият марказлари билан узвий алоқада тайёргарлик кўришни, жойларда улар билан биргаликда ғоявий ва тушунтириш ишларини олиб боришни маслаҳат берган бўлур эдик. Агар маҳалла, шаҳарча, қишлоқ ва овулда асосан бирор бир миллат вакиллари яшаётган бўлса, унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тегишли лавозимларига муносиб номзодларни кўрсатиш тегишли миллий маданий марказлар вакилларининг иштирокисиз муваффақиятли ўтиши амримаҳол.

Биз бугунги семинар-кенгаш Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда давом эттирилади, деб умид қиламиз. Бундай семинар-кенгашларни барча минтақаларда, яқин вақт ичида ўтказишни тавсия этамиз. Ўйлаймизки, бугунги семинар-кенгаш материаллари, яъни бу ерда бўлажак сайловларни ташкил этишнинг турли долзарб масалаларига бағишлаб қилинадиган маърузалар ва биз томонимиздан тайёрланган махсус услубий тавсиялар сизларнинг ишингизда жуда яхши кўмак беради. Агар сизлар ўз амалий ишларингизда бизнинг таклифларимиз ва тавсияларимизни фақат ҳисобга олибгина қолмай, балки уларни ўз ҳудудингизнинг ўзига хос хусусияти ҳамда иш фаолиятингиз хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги мазмун билан бойитсангиз, нур устига нур бўлур эди.

ДАВЛАТ ВА МАҲАЛЛА

(Боши 1-бетда)

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда баъзи бир худуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўла иқтисодий мустақилликка эришмаган. Бу борада мен республикамиздаги бир ижобий мисолни келтирмоқчиман. Қашқадарё вилояти Косон тумани ҳокимининг қарори билан фуқаролар йиғинлари раисларининг маошларини тўлаш масаласи туман "Маҳалла" жамғармасига топширилган. "Маҳалла" жамғармаси туман ҳокимлиги билан фаолиятини бамаслаҳат олиб боради, лекин иқтисодий жиҳатдан у ҳокимликка бўйсунмайди.

Шунинг учун ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳокимликлар ўзаро алоқаларининг амалий-услубий қоидаларини такомиллаштириш бугунги куннинг талабидир.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маҳаллаларнинг жойлашиши, ҳудуди, яшаш шароитига мувофиқ тузилишини аниқлашда амалий ёрдам берилиши лозим. Шунингдек, ҳаммамиз яхши биламизки, кўп қаватли уйларни бирлаштирувчи фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалардаги фуқаролар йиғинлари фаолиятида жуда ҳам сезиларли фарқ мавжуд. Шунинг учун кўп қаватли уйлар вакилларининг фаолиятини қайта кўриб чиқиш, зарур бўлса, улар фаолиятига доир тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги кунда кўп қаватли уйларда, айрим маҳаллаларда паспорт тизимидаги камчиликлар ҳам учраб турибди. Шу сабабли маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳуқуқ-тартибот идораларига шу масала юзасидан бераётган амалий ёрдамларини кучайтиришлари, турар жойларимизда ижтимоий-маънавий муҳит соғлом бўлишига эришишлари даркор.

Ҳурматли дўстлар!

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг самарали фаолият кўрсатиши, унинг ваколатларини кенгайтириш жараёнида жойлардаги оқсоқолларимиз ва уларнинг маслаҳатчилари Ўзбекистонда қабул қилинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва меъёрий ҳужжатлари, қўлланмалар, йўриқномалар ва бошқа зарурий ҳужжатларнинг мазмунини билишлари ва амалда қўллашлари катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам мақалла фуқаролар йиғинларини ушбу ҳужжатлар билан таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий савдохонлигини ошириш ишларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кейинги вақтда Оқсоқоллар Кенгаши ташкил этилганлиги ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси ушбу Кенгаш раиси этиб сайланаётганлиги жамғарма ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига бирмунча ўзгариш киритди. Лекин жамғарма ва Кенгаш ўртасидаги ўзаро муносабат механизмини яратиш ва уни ҳуқуқий таъминлаш масаласини ҳал қилиш улар фаолиятига янада аниқлик киритарди, деб ҳисоблаймиз.

Шу маънода республикамизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги янги Низомни ишлаб чиқиш ва бу жараёнга қуйи бўғинларда фаолият кўрсатаётган фаолларни жалб қилиш, уларнинг таклифларини ўрганиш зарур.

Азиз дўстлар!

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу – ташкилий ишлар билан бир қаторда оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий ҳокимияти органларига кўмаклашади.

Мана шу ўринда мен маҳалла фуқаролар йиғинларининг бошқа жамоат ташкилотлари билан оилаларнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлашда, ёшлар тарбиясида, ёлғиз кексалар, ногиронлар, болалик оилалар, боқувчисиз қолган аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишдаги самарали хизматларини алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман. Айнан уларнинг беминнат хизматлари, оилалар ўртасида олиб бораётган маънавий-маърифий йўналишдаги саъи-ҳаракатлари туфайли, республикамизда бу ишлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Лекин кўп ҳолларда юқорида айтиб ўтилган соҳаларда муаммолар мавжудлигининг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз. Жумладан, жойлардаги кўп болалик кам таъминланган ва бошқа ижтимоий ҳимоя га муҳтож бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ишлари барча маҳаллаларда ҳам талабга жавоб беради, дея олмаймиз. Ижтимоий муҳофаза тизими орқали берилаётган ёрдам, энг аввало, аниқ ва манзилли бўлиши керак ҳамда тезкорлик, адолат, ошкоралик тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда берилиши керак.

Бу ўринда давлат ҳокимият органлари ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг уларга юклатилган вазифаларига аниқлик киритиш ва ҳокимликнинг айрим ваколатларини маҳаллаларга босқичма-босқич топшириши бугунги кун талаби бўлиб турибди.

Сизларга маълумки, Республика Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган "XXI аср маҳалласи" Концепциясини яратиш кўзда тутилган эди.

Ҳозирги кунда ушбу Концепция лойиҳаси Республика "Маҳалла" жамғармаси томонидан Олий Мажлиснинг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ёрдамида яратилди. Концепция лойиҳасининг маҳаллаларда кенг муҳокамасини ташкил қилиш ва жойлардаги амалиётчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, кечиктирмасдан қабул қилиш ва амалга оширишга киришиш зарур.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалардаги ишсизлар рўйхатини тузиш ва иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишда етакчи куч бўлишлари керак.

Ушбу вазифалар билан бир қаторда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Қонунлар, ҳукумат қарорларининг жойларда бажарилишини ташкил қилиш;

аҳоли истиқомат қиладиган жойларнинг санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш, санитария қонуни талабларини бажариш борасида маҳалла ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар, савдо-сотиқ шахобчалари фаолиятини яхшилаш чораларини кўриш;

коммунал хизматлар учун ҳақ йиғиш ва тасарруф қилиш;

маданий-маърифий йўналишдаги тадбирларини ташкил қилиш;

маҳаллаларда ёш оилаларга фарзанд тарбиясида амалий ёрдам кўрсатиш;

ҳар бир маҳаллада оддий спорт комплексларини қуриш каби масалалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал қилинадиган масалалар сирасига киради.

Бу вазифалардан ташқари ҳурматли Юртбошимиз томонидан бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан биргаликда ҳал этилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Бу ўринда мен алоҳида шуни таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ташаббус энг аввало, қуйи поғоналардан – маҳалла фуқаролар йиғинларидан чиқиши керак. Маҳаллий ҳокимликлар эса илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан зарур чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Ш.И. ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши,
«Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг раиси,
Олий Мажлис депутати

ҲАММАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

«Оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш бўйича фуқаролар йиғинларини ташкил этишда Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, жойлардаги бўлимларининг вазифалари тўғрисида»ги маърузадан

Азиз маҳалладошлар!

Қадрли семинар-кенгаш қатнашчилари!

Мендан олдинги маърузаларда кўп фикрлар айтилди. Шу нуқтаи назардан мен ўз фикримни масалага танқидийроқ кўз билан қарашдан бошласам.

Маълумки, сайловлар жараёнида, раис (оқсоқол) ким бўлиши керак деган масала асосий ўринда туриши керак. Бинобарин Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: "Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин". Бу вазиятни, муҳитни шакллантириш, қарор топтириш биринчи навбатда, сўзсиз йиғин раисига (оқсоқолига) боғлиқ. У бу масалаларни ҳал этишда биринчи навбатда халқ манфаатидан келиб чиқиши лозим. Айни вақтда, у давлат ҳокимияти билан ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатини бирлаштириб турувчи кўприк бўлиши керак. Улар босқичма-босқич ўтказилаётган ваколатларни бажаришга қодир раҳбарлар бўлиши лозим. Бунинг учун ташкил этилган комиссия ва ишчи гуруҳлари номзодларини танлашда ўта талабчан бўлишлари даркор. Мен, бу масалага бежиз ургу бераётганим йўқ. Бинобарин, 2,5 йил олдин ўтган сайловларда бўлган хато-камчиликлар мана шу давр ичида аниқ кўринди ва бизга сабоқ бўлиши керак. Негаки, ўтган сайловлардан буёнги вақтда "Mahalla" газетаси, ҳуқуқ органлари орқали ўтказган сўровларимизда, шаҳодатларимизда, текширувларимизда, имконимиз комил бўлдики, раис, (оқсоқоллар)-имиз орасида қўйилаётган ушбу талабларга жавоб бера олмайдиганлари ҳам учрайди. Жумладан, Наманган вилоятида сайловдан сайловгача маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларидан 262 киши, Самарқанд вилоятида 317 киши, Қорақалпоғистон Республикасида 113 киши алмашган. Бу сайланган оқсоқолларнинг ҳар учтадан баъзи ҳолда иккитадан биттасидир. Бу каби алмашувлар бошқа вилоятларда ҳам учрайди. Афсусланарли жойи шундаки, уларнинг ичида вазифасини уддалай олмаганлари, шаҳодатдан ўтолмаганлари, ҳатто вазифасини суиистеъмол қилганлари ҳам талайгина. 2000 йил 72 та раисларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи кўриб чиқилди.

Бунинг устига очиқ айтиш керакки, айрим ҳолларда, ўз кучи, билими, тажрибаси, салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти, обрў-эътибори билан ишлаб келаётган баъзи оқсоқоллар ҳам ўз хоҳиши билан бу вазифадан кетдилар. Бу ўринда уларга бўлган мустақил ҳаракатига тўсқинлик қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватламаслик, ўз ваколатидан ортиқ талаблар қўйиш кабилар халақит бермадимикин? Биргина Тошкент шаҳар Юнусобод туманида 50 та маҳалла раисининг ярми ўз аризасига кўра бўшаган.

Айтишим керакки, бу галги сайловлар олдидан бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ўзимизга боғлик барча чора-тадбирларни ишлаб чиқдик ва жойларда амалга оширишга киришдик. Ишимизнинг самарали бўлиши, вилоятларга ёрдам бериш учун Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши раёсати аъзоларини, бошқарув раҳбарларини сафарбар этдик. Эртадан бошлаб ушбу семинар-кенгашдан келиб чиқадиган вазифаларни, Қарор ва Низом асосларини ҳар бир маҳалла фаолларига етказишга киришамиз. Ҳар бир туманда, вилоятда, республика миқёсида семинар-кенгашлар ўтказамиз, савол-жавоб кечалари, соҳа-билимдонлари, олимлар билан учрашувлар уюштирамиз. Кўргазмали тасвирий ойналар, лавҳалар бурчагини ташкил этамиз. "Mahalla" газетасида янги "Маҳалла ҳаётида масъулиятли давр" рукнини очиб сайлов ҳақида, унинг бориши тўғрисида мунтазам мақола, мулоҳаза, таклиф ва ахборотлар бериб борамиз. Ушбу тадбирлардан мақсад, энг аввало фуқаролар йиғини раислари - оқсоқоллари ва унинг маслаҳатчилари сайловларини барча қонун талаблари асосида ўтишида кўмаклашиш бўлса, иккинчидан, келажакдаги режаларимизни, "XXI аср маҳалласи" концепциясини, сайловчилар таклифлари асосида тўлдириб, мукаммаллаштириб ҳуқуқий, демократик жамият асосини барпо этишда янги поғонага кўтарилишга эришишдир.

Масалан, ўз нашримиз бўлган "Mahalla" газетасида оқсоқолнинг ким, қандай одам бўлиши борасида мунтазам баҳс бормоқда. Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси туман, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон республикаси ва Ўзбекистон миқёсида "Ибратли маҳалла оқсоқоли", "Тадбиркор оқсоқол", "Маҳалла жонкуяри" кўрик танловлари ўтказилмоқда.

Оқсоқолликни мансаб деб ўйлаганлар хато қилишади. Кўп замонлар бу ишга сайланган кишилар маош хомтамасини қилмаганлар, оқсоқоллик ишини эл-юрт йўлига савоб деб бажариб келишган. Миллатимизнинг энг муҳим қадрияти сифатида маҳаллани ривожлантиришга йўл очган муҳтарам Президентимиз аввало бу жамоат ишининг масъулиятини ошириш мақсадида оқсоқол (раис) ва котибларга бюджетдан маош ажратиб бермоқдалар. Буни маҳалла раҳбарларига нисбатан ўзига хос давлат эҳтироми белгиси дея тушуниш ва шунга яраша меҳнату садоқат билан амалий жавоб бериш лозим эмасми?

Бўлажак ҳисобот-сайловларда кўп марта дуч келиши мумкин бўлган мулоҳазалардан бири бу шубҳасиз маҳалла хотин-қизлари ва ёшлари масаласи бўлади. Биз бу ўринда аниқ таклиф айтмоқчимиз. Яъни маҳаллаларда ҳозир мавжуд бўлган хотин-қизлар билан ва ёшлар билан ишлашлари кўзда тутилган комиссиялар айни пайтда оқсоқолнинг шу масалалар бўйича муовунлари бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳаммамизга маълумки, оқсоқолни асосан шу маҳалладаги фаоллар орасидан танлаймиз ва сайлаймиз. Аммо ҳеч жойда бу одам бундай малакани олмаган бўлади. Шу нуқтаи назардан оқсоқолни тайёрлашни республика кадрлар тайёрлаш ва ўқитиш тизими доирасига киритиш вақти ҳам келди, деб ўйлайман.

Мулоҳаза

ТАБИАТНИ АСРАШНИ ТАБИАТДАН ЎРГАНСАКМИ?

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

**** Академикнинг даҳшатли башорати***
**** «Қизил китобда» неча тур ўсимлик бор?***
**** Мингтут номли қишлоқда бирорта касал йўқ эди!***
**** «Чангютгич» афзалми ёки теракзор?***

Майсалар саҳарда шабнамни симириб, қад ростлайди. Тонгнинг илк шуълаларидан ғунчалар юзи оловланади. Дарахтзордаги япроқлар кечагидан кўра қуюқроқ. Чучмомолар ариқ бўйларида саф тортади. Бинафшалар лабида ним табассум. Ҳамма-ҳаммаси бошланаётган янги кунни бир-бирларига айтиб суюнчилаётгандай. Осмон қанчалар мусаффо, борлиқ шунчалар гўзал! Биз ҳар куни шу гўзалликка талпиниб, уни соғиниб яшаймиз. Аслида табиатнинг фарзандимиз. Фарзанд она бағрида ором олгани каби табиат бағрида яйраймиз, унинг меҳрини ҳис этамиз, юрагимиз билан унга боғланамиз. Лекин, ўйлаб кўрайлик, биз она табиатга фарзандлик қила олаяпмизми? Унинг оламжаҳон меҳрига биз ҳам меҳр билан жавоб бераяпмизми? Худди онамизни асрагандек асраяпмизми уни?! Она борлиқни эъзозлаш, умрини узайтириш учун биз нималар қила олдик? Ҳамма гап ана шунда.

ХХ аср бошларида биосфера ҳақидаги таълимотни кашф этиб дунёга танилган академик Вернадский «Инсоният табиат муҳитини бузувчи, ўзгартирувчи, қайта тузувчи улкан геологик кучга айланади!» деган экан. Не ажабки, вақтлар ўтиб ушбу башорат рост чиқди. Йиллар давомида табиатга етказилган озорлар эндиликда инсониятнинг ўзини ҳам азобламоқда.

Айтишларича, Луқмони ҳаким тоғу тошлар оралаб кетаётса, ҳар бир гиёҳ тилга кириб, ўзининг қай хасталикларга даво эканини сўзлаб берармиш. Чиндан ҳам она табиат бағридаги минглаб турдаги доривор ўт-ўланлар дардларимизга шифо. Айни пайтда бизга руҳий ва жисмоний бардамлик бахш этади. Юртимизда табиий ҳолда ўсадиган ўсимликлар турлари тўрт ярим мингдан ошиқ экани аниқланган. Манзарали, доривор, бўёқ берадиган, озиқ-овқат сифатида ва емхашак ўрнида ишлатиладиган бу ўсимликлар аслида миллий бойлигимиздир. Лекин, кўпчилигимиз ана шу бойликдан фақат ўз манфаатимиз йўлида фойдаланамиз. Тоғли жойлардаги хушманзара оромгоҳлар, ота-боболаримиз экиб кетган юзлаб турдаги довдарахтлар, доривор ўсимликларнинг бари-бариси биздан кейинги авлодлар учун ҳам зарур бўлишини ўйлаб кўрмаймиз. Шифобахш ўтларни ўз билганича йиғиштириб, бозорда пуллаётганлар сони кўпайгани сабабли эндиликда доривор гиёҳлар тури камайиб бораётгани олимлар томонидан таъкидланаётир. 1984 йилда «Қизил Китоб»имизда 164 турдаги ўсимлик номи қайд этилган экан. Орадан беш йилча вақт ўтгач, бундай ўсимликлар номи 300 тадан ошган. Бугун-чи? Бугун «Қизил Китоб»да неча хил ўсимлик мавжуд экан?! Бу борадаги рақамларнинг тобора орта боришига ўзимиз сабабчи бўлмаяпмизми, ахир?!

- Табиатнинг бағрида шундай ўсимликлар борки, улар ўзларини ўзлари «муҳофаза» этишади, - дейди таниқли биолог олимлардан бири суҳбатимиз давомида. - Балиқ кўз деган ўт бор. Ҳатто ёмғирлар ҳам четлаб ўтадиган қуп-қуруқ саҳрода ўсади у. Лекин, гулбарглари ва поясига шунчалик кўп сув йиғадики, уни қаердан олганига ажабланасиз. Саксовул-чи? Эрта баҳорда гуллаб, уруғлайди. Жазирама иссиқда уруғлари нобуд бўлмаслиги учун гулкосаларини юмиб олади. Саратондан ўтиб олгач, яна очилиб уруғларини вояга етказади. Қаранг, шу йўл билан ўз наслини сақлаб қолади у. Шўралар ва шувоқларни айтинг, ёзда суви бугланиб кетмаслиги учун олдиндан баргларини тўкади. Баъзи бир ўсимликлар борки, ўзлари митти бўлса-да, илдизлари бир неча килограммни ташкил этади. Айрим дарахтлар эса улкан, лекин уруғи нақ данак мағзидек кичкина. Демоқчиманки, табиатнинг ҳам ўз ички дунёси, кўз илғамас нозик қонуниятлари бор.

Бир пайтлар Самарқанднинг Пайариқ туманида Мингтут деган қишлоқ бўлган. Албатта у ерда тутлар кўп бўлган. Айтишларича, ўша кезларда мингтутликларнинг бирортаси шифо истаб касалхонага бормаган. «Мингтутдан келин олсанг наслинг тоза, фарзандларинг бақувват бўлади» деган ибора тилдан-тилга кўчиб юрган. Ахир табибларимиз ҳам «Тут меваси - минг дардга даво, у тоза қон ҳосил қилади» деб бежизга айтишмагандир. Пахта яккаҳокимлиги йилларида шу қишлоқдаги қалин тутзорлар кесилиб кетди. Эндиликда у ердаги тут дарахтларини санаб чиқса, эҳтимол юзтача ҳам чиқмас...

Чуқурроқ ўйлаб қаралса, тутзорлар фақат меваси билангина эмас, балки ҳавони тозалаш хусусиятига эга бўлгани учун ҳам қадрланган. Қадимда ота-боболаримиз иморат учун мўлжалланган жойга аввало кўчат экканлар. Иморат аста-секин битгунича ҳалиги ниҳоллар дарахтларга айлана борган. Эндиликда улар яратиб кетган айрим турдаги дарахтлар камёб бўлиб қолди. Айниқса гужумзорлар негадир камайиб кетди. Гужумнинг афзаллиги шундаки, у ёзнинг жазирамасида тангадек офтоб нурини ҳам ерга туширмайди. Халқимиз ёнғоқни «Луқмон дарахти» деб аташган. Олимлар эса бу дарахтни «ҳаво фабрикаси» деб баҳолашади. Негаки, у тоғ минтақаларида нураш (эрозия)нинг олдини олади, микроклиматни яхшилаб, микробларга қирон келтиради. Бу жиҳатдан арчаларнинг ҳам фойдаси беқиёс. Тоғликларнинг фикрича, ҳар бир арча битта қудуқ билан тенг, у қишда қорни, ёзда намни яхши сақлайди. Арчазорлар бизнинг тоғларимиз кўрки, шундай экан, уни экиб кўпайтиришнинг хосияти катта.

Уйларимизни ораста қилмоқ учун тез-тез чангютгич билан тозалаб турамиз. Баъзан чангютгич мослама ичини очиб кўриб, «Наҳот, уй ичида шунча чанг бўлса?» дея ажабланамиз. Биз дераза ва эшикларни қанчалик жипслаб бекитмайлик, барибир уйларимиз чанг бўлаверади. Нега? Шу ҳақда ўйлаб кўрганмизми ҳеч? Сабаб шундаки, ҳовлиларимиз ён-атрофларида чангни «тутиб» қолувчи дарахтлар оз. Олимларнинг ҳисоблаб чиқишларича, бир гектардаги теракзор 340 килограмм чангни ўзига ютаркан. Шунинг сингари бир туп чинорнинг салқинлиги 10 та совуткич мосламанинг қувватига тенг келаркан.

Яқинда газеталарда, радио ва телекўрсатувларда бирваракайига кўплаб сувни исроф қилмасликка оид мақола ва суҳбатлар эълон қилинди. Билишимизча, баҳор ойларининг бир куни тақвимда «Оби ҳаёт куни» деб белгиланган экан. Шунда ўйлаб қолдим. Нима учун биз муҳим саналар муносабати билангина мақола ва суҳбатлар уюштирамиз? Ахир оби ҳаётнинг ҳар томчисини азиз билиб, уни тежаш ҳақидаги мақолаларни йил давомида бериб бориш мумкин-ку! Ана шунда кишиларимиз ҳам анча ҳушёр тортган бўлардилар. Негаки, бугун ичимлик сув муаммоси дунё бўйича юқори ўринлардан бирида турибди. Манбаларда келтирилишича, ҳозир ер куррасида бундан миллион йил илгари бўлганидек 40 минг километр куб чучук сув мавжуд. «Бугунги кунгача бу миқдор ўзгармаган, аҳоли сони эса 6 миллиарддан ошиб кетди, - дея ёзишади олимлар. - Бунинг устига кўп ерлар ўзлаштириляпти, саноат корхоналари қуриляпти. Демак чучук сув сарфи кўпайгандан кўпаймоқда...»

Ҳисоб-китобларга қараганда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида тоза сувнинг 21 фоизи ишлатилмасдан қувурларга оқиб кетаркан. Маълумки, танамизнинг 65 фоизини сув ташкил қилади, шунинг учун ҳам биз сувсизликка бардош беролмаймиз. Сувга бўлган талабимиз кунига 2, 3-5 литрни ташкил этади. Ҳаво иссиқ кезларда бу миқдор бир неча ҳиссага ортади. Тананинг сув йўқотиши жуда оғир хасталикларга, ҳатто ўлимга ҳам олиб бориши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар томчи сувнинг қадрига етмоғимиз керак биз...

Инсон кўп йиллар соғу омон яшашни орзу қилади. Узоқ умр кечиришимиз эса атроф-муҳитнинг тозалиги билан боғлиқ. Она тупроғимизда унган ҳар чўпу хасни асраб эъзозлашимиз зарур. Табиат бойликларидан баҳраманд бўлишдан аввал бу бойликларни бус-бутун асрамоқни ўрганишимиз керак бу кун. Бу эса табиат ва жамият олдидаги муқаддас бурчимиз саналади. Германияда шундай бир одат бор экан. Кўчада кетаётган киши кичкина қоғоз парчасини билиб-билмай қўлидан тушириб юборса, ёнидаги киши албатта уни туртиб, «Қани, ол. Ахлат идишига ташла!» деган ишорани қиларкан. Биз ҳам шундай ибратли одатни ўзлаштириб олсак зарар қилмайди. Она табиатнинг фарзанди эканимизни ҳеч унутмайлик. Ундан меҳримизни дариғ тутмайлик. Токи, аждодларимиздан бизга мерос қолган табиат бойликлари ўзимиздан кейинги авлодларга ҳам насиб бўлсин. Ҳар биримиз ана шу юксак эзгу мақсад билан яшайлик.

Ҳокимият ва маҳалла

МАҲАЛЛА - ВАТАННИНГ ТАБАРРУК ОСТОНАСИ

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўрақул ҲАМРОЕВ билан суҳбат

«Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашишга йўл қўймайдилар, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқукларини амалга оширишда кўмаклашадилар.»
Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси.

— «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қабул қилинган қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида туманда амалга оширилган ишлар тўғрисида нималар дея оласиз?

— Жамиятни тубдан янгилаш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида демократик тамойилларни қарор топтириш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш давомли жараёндир. Бу йўлда тўсиқларни енгишга, эскича қолиплар, кўникмалардан воз кечишга, одамларда янгича тафаккур тарзини шакллантиришга тўғри келади.

XXI аср боши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - қишлоқ ва маҳалла йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш, таъсирчанлигини ошириш, мавқеини кўтариш даври бўлади. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан буён ўтган давр ичида туманимиздаги 28 та маҳалла ва 7 та қишлоқ йиғинлари фаолияти янгича мазмун касб этди. Улар туман Ҳокимининг қарори билан тасдиқланган Низомга эга бўлди. Унга асосан маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудларидаги кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, кўп болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, 2 ёшгача болалари бор ишламайдиган оналарга нафақа тайинлаш ва тўлаш, ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга озиқ-овқат маҳсулотлари учун маблағ ўтказиш ҳамда коммунал тўловларни амалга ошириш вазифаларини ўз зиммасига олган. Маҳалла йиғини ўз ваколатлари доирасида аҳоли манфаатларини ҳимоя этмоқда.

— Истиқлолга эришганимизга 10 йил тўлмоқда. Бу йиллар тоғли Бойсун тумани ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар даври бўлди. Бунда маҳалла фуқаролари йиғинлари ўрни ҳақида тўхталсангиз?

— Мустақиллик даврида маҳалла йиғинлари ҳудудида 5 та гузар қурилди. Фуқароларнинг мароқли дам олишлари, уларга маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини кўпайтириш чоралари кўрилди. Табиий газ ёқиш халқимизнинг асрий орзуси эди. Бу орзу мустақилликнинг шарофати ила ушалди. Қисқа муддатда 266,6 километр қувур тортилди ва туманимиз аҳолисининг 54,7 фоизи, шаҳар аҳолисининг 98,3 фоизи табиий газ билан таъминланди. Бунда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ҳам катта куч ва ғайрат сарфлади. Халқни бу ишга сафарбар этди. Туманда инфратузилмани ривожлантириш борасида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари кўрсатаётган ташаббус ва ташкилотчилик ҳаракатлари диққатга сазовор. Қишлоқ маҳаллаларида кичик корхоналар, фирмалар, фермер, деҳқон хўжаликлари сони ошиб бормоқда. Ўтган беш-олти йил ичида шаҳримиз қиёфаси тубдан ўзгарди, кўчалар, турар-жой бинолари янгича қиёфа касб этди, маданий-маиший иншоотлар ободонлаштирилди. Бу ишлар айни кунларда ҳам давом этмоқда.

Маҳалла йиғинлари фаолияти элни эзгу ишларга сафарбар этиш, хайрли ишларни амалга оширишга бош бўлиш борасида кўраётган изчил тадбирлари билан кўзга ташланди. Бу оқсоқолларнинг юксак билимдонлигига, дунёқарашининг кенглигига, маънавий поклигига боғлиқ.

Тумандаги 28 та маҳалла йиғини раиси, котиби ва посбон сардорлари маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, ўз ечимини топмаётган муаммоларни ҳал қилиш, фуқароларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиб, уларга ёрдам кўрсатиш каби хайрли ишларни амалга ошираяптилар. Маҳалла оқсоқоллари ва котибларининг малакаларини ошириш мақсадида ҳар ойда битта маҳаллада ўқув семинари ташкил этилмоқда. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қишлоқ ва маҳалла йиғини оқсоқоллари котиб, посбонлари, хизмат кўрсатувчи ташкилот, корхона, муассаса раҳбарлари иштирок этмоқда. Муаммоли масалалар ўз ўрнида ҳал қилиб олинмоқда. Барча маҳаллаларда фуқароларнинг ташаббуси билан ҳашарлар ўтказилмоқда. Йўлларни таъмирлаш, қабристонларни ободонлаштириш, мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазиш ва уни парваришлаш, ҳовлиларнинг санитария ҳолатини яхшилаш ишлари бажарилмоқда. Маҳаллалар, оилалар, фуқаролар ўртасида турли тадбирлар, кўрик танловлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ташкил қилинмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари билан ҳамкорликда ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тўғрисида маълумот берувчи ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Очиғини айтадиган бўлсам, оқсоқолларимизнинг билими, замон қўяётган талабдан анча орқада. Ташаббускорлик ва тадбиркорлик хислатлари етишмаётир. Натижада ўтган йили вилоят Ҳокимлиги томонидан ўтказилган шаҳодатлаш синовидан 2 та қишлоқ, 5 та маҳалла фуқаролар йиғини раислари ўта олмадилар. Туман Ҳокимлигида ўтказилган ҳудди шундай синовда 9 та маҳалла фуқаролар йиғинининг котиби, 6 та маҳалла посбонининг сардори вазифасига лаёқатсиз деб, топилди.

- XXI асрга қадам қўйдик. Сиз XXI аср маҳалласи қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

- Менимча, янги даврга мос маҳаллалар шаклланмоқда, кўзга ташланмоқда. Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан тарбиявий вазифани бажаришнинг лозим.

Маҳалла ҳар томонлама шаклланиб майдонга чиқди. Бундан буён ҳам маҳалла адолатли, демократик институт дарсхонаси эканлигини одамлар онгига теран сингдириш жуда муҳим. Бу борадаги муаммоларни ҳал этишда биз уларга камарбастамиз, маҳалла ва қишлоқ оқсоқолларига мададкормиз.

Суҳбатдош
Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Маҳаллага қайишганлар

ТАДБИРКОР МАҲАЛЛАГА СУВ ЧИҚАРДИ

Эргаш Баҳриддинов шўролар давридаёқ тадбиркорликда ўзини синаб кўришга уриниб, ёрдамчи хўжаликда иш бошлашга бел боғлаган эди. Бироқ унинг ниятлари амалга ошмади.

Истиқлол йилларида тадбиркорларга яратилган жамики шарт-шароитлар Эргаш Баҳриддиновнинг ниятларига қаноат бўлди. У дастлаб ишини Тошкент - Самарқанд йўли ёқасида чойхона қуришдан бошлади. Уни «Баҳриддин бобо» деб номлади.

Маълумки бу ерларда бошланган ҳар қандай иш сув муаммосига дуч келади. Шу боисдан ерни бурғулатиб, 115 метр чуқурликдан сув чиқаришга муваффақ бўлди. Ер қаъридан отилиб чиққан зилол, хуштаъм сувдан Булунғурдаги Улуғбек номли маҳалланинг минглаб аҳолиси фойдаланмоқда.

Наврўз айёми кунларида маҳаллада катта шодиёна бўлиб ўтди. «Баҳриддин бобо» чойхонаси ишга тушди. Унинг қурилишига, боғ ва ободончиликларига тадбиркор етти миллион сўм сарфлади. Эллик нафар киши иш билан таъминланди.

Шодиёна кунлари чойхона атрофидаги 1,5 гектар ерга икки юз туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди.

Суратда: Маҳалладан чиққан тадбиркор Эргаш Баҳриддинов (чапдан иккинчи) маҳалла фаоллари орасида.

ОЛАМ ТУРРА

НИКОТИННИНГ ЯНА БИР «ХИЗМАТИ»

Чекувчи кишилар билан кўп йиллар давомида текшириш олиб борган дўхтирларнинг аниқлашларича никотин кўпгина дорилар таъсирини сусайтирар экан.

Чекувчи кишилар томирларида тузатиб бўлмайдиган даражадаги ўзгаришлар рўй беради ва бунинг оқибатида қон айланиш жараёнига путур етади. Дориларни эса айнан қон томирлар орқали танага сўрилиши ҳаммага аён.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги асорат чекувчи кишилардан узоқ ва оғир кечиши туфайли баъзи давлатларда медиклар кашандаларни операция қилишдан воз кечишгача бориб етмоқдалар.

ПУШКА — ДЎСТГА ЯХШИ «СОВҒА»

Нижний новгородлик ДАН ходимлари «ЗИЛ-130» русумли юк машинасини текшириш учун тўхтатганларида бундай ғаройиб ҳодисага дуч келамиз, деб ўйламаган бўлишса керак.

Машинани кўздан кечираётиб улар кабинадан тўлиқ жамланган 100 миллиметрли пушка топиб олдилар. Ҳайдовчининг сўзларига қараганда бу қурол унинг ёнида кетаётган йўловчиларга тегишли экан. Улар бу қуролни Чувашистоннинг Алатир шаҳридаги ҳарбий қисмдан сотиб олишган бўлиб, уни Москвадаги дўстларига совға қилиш учун олиб кетишаётган экан. «Ажойиб совға» харид қилган бу икки шахс ҳам, уни сотганлар ҳам қонун олдида жавоб беришадиган бўлишди.

ТОВУШ ИТНИНГ ҚОРНИДАН КЕЛДИ

Кўл телефонини йўқотиб қўйган кениялик бир киши унинг қаердалигини аниқлаш мақсадида бошқа аппаратдан номерини терган эди шундоқ ёнгинасидан унга таниш бўлган товушни эшитиб ҳайрон қолди, чунки бу товуш итининг қорнидан келаётган эди.

Маълумотларга кўра бундай ҳоллар кўплаб учраб турар экан. Масалан, Момбас шаҳрида яшовчи Камол Шахнининг айтишича, унинг немис овчаркаси ҳам уяли телефонини ютиб юборган ва итни операция қилишга мажбур бўлишган. Ит жарроҳлик столидан эсон-омон чиққан.

Ф. ҒОЙИБОВ
тайёрлади



БИЛИБ ОЛИНГ

1. Иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддати қанча? Баъзида иш вақтидан ташқари ишлашга ҳам тўғри келади. Унинг муддати қонун билан белгиланганми?

Т.ИСЛОМОВ
Фарғона

Меҳнат кодексининг 125-моддасига кўра, иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (Меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда - бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган вақтини, шу жумладан, иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

* * *

3. Иш стажи 25 йил бўлган ҳолда 60 ёшга етмаган кишиларга пенсия тайинланиши мумкинми?

А.РАҲМОНОВ
Тошкент



Мумкин, лекин ходимлар штатлар сони қисқартирилиши, ёки корхоналар, муассасалар, ва ташкилотлар тугатилиши муносабати билан бўшатилган ва ишсиз мақомига эга бўлган шахслар; эркаклар 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

* * *

2. Тинтувда қатнашаётган холисларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор?

С.РАҲИМОВА
Жиззах.

Инсон ҳуқуқларга дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳеч кимда ва ҳеч қаерда холислар иштирокисиз тинтув ўтказилмайди. Холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари жиноят процессуал кодексининг 74-моддасида келтирилган. Холислар тинтув жараёнида иштирок этиш, тинтув ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазаларни бериш, ўзи иштирок этган тинтув жараёни билан танишиш, бу ҳаракатларни олиб борувчининг устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун ҳам бирон шахс ёки уй-жойда тинтув ҳаракатлари олиб борилаётганда холис сифатида иштирок этаётган шахслар ўз вазифаларини жиддий эътибор ва масъулият билан бажаришлари керак. Бу эса инсон ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир.

* * *



4. Тинтув ўтказиш ва олиб қўйишга суриштирувчи терговчидан бошқа яна кимлар ҳақли бўлиши мумкин?

О.ҲАЙИТБОЕВ
Навоий.

Бундай ҳаракатларни амалга оширишга терговчи ва суриштирувчидан ташқари, ўз ваколат доирасида тергов бўлими бошлиғи ва прокурор ҳам ҳақли ҳисобланади. Бундан ташқари, шахсий тинтув ва олиб қўйиш ҳаракатлари айрим ҳолатларда жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажараётган милиция ходими томонидан ҳам ўтказилиши мумкин. Шахсий тинтув ва олиб қўйиш ҳаракатлари шахснинг ўзини, устки ва ички кийимларини, баъзи ҳолатларда зарур бўлса баданини тинтув қилиш ҳамда ман этилган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйишдан иборат. Бу ҳаракатлар тинтилаётган шахс билан бир жинсдаги суриштирувчи ё терговчи томонидан мутахассис ҳамда холис иштирокида ўтказилади.

Саволларга жавобларни Республика ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази бўлим бошлиғи Меҳри БОЛЛИЕВА тайёрлади.

Тизимда тиғиз муаммо

«ЧИҚҚАН ҚИЗ ЧИҒИРИҚДАН ТАШҚАРИ!»

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган вазифалардан бири 2 ёшгача болалари бўлган оналарга нафақа тайинлаш ҳуқуқидир. Бу вазифа бир томондан маҳаллалар нуфузини оширишга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Мен раислик қилаётган Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги Миришкор маҳалласи бўйича 2001 йилнинг 1-чорагида кам таъминланган оилаларга тўланадиган моддий ёрдам ва 16 ёшгача бўлган болалар нафақалари тўлиқ тарқатилиб бўлинган. Олинмай қолган нафақалар йўқ. Фақат 2 ёшгача боласи бор, ишламайдиган оналарга тўланадиган нафақаларни баъзи бир оналар ўз вақтида пулларини олишмаяпти. Бундайлар бизда 3 киши. Улардан икки нафари республикамиз ҳудудидан ташқарида. Бири оиласи билан хизмат юзасидан бошқа шаҳарга кетган. Лекин маҳалламизда рўйхатда турадди. Ҳозирги кунда беш ойлик нафақаси тўпланиб қолган, қачон қайтиши номаълум. Иккинчи фуқаро чақалоғини онасига қолдириб, Қозоғистонга касал бувисини парваришлаш учун кетган. Уч ойдан бери нафақаси йиғилиб турибди. Учинчи ҳодиса турмушга чиқиб кетиш билан боғлиқ. Кўпгина қизларимиз турмушга чиқишгач, ота-онасиникидан уч-тўрт йиллаб рўйхатдан чиқишмайди. Икки ёшгача болалар нафақасини эса рўйхатда турган жойда олишади, яъни ота-онаси маҳалласидан. Нафақа олиш учун ой сайин қайинота, қайинона ва куёвининг қош-қабоғига қараб, қачонки улар рухсат берсагина, келиб-кетишади. Баъзида 2-3 ойда бир келиб олиб кетишади.

Менимча, бу каби чалкашликларнинг олди олиниши керак. Бу ўринда маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳуқуқ ва бурчларига аниқлик киритиш лозим. Бу каби бир жойда рўйхатда туриб, бошқа жойда яшаш ҳолларига барҳам бериш учун маҳалла йиғинининг қандай кафолати бор? Ана шу нарсаларга аниқлик киритиш лозим.

Равшан ИСОҚОВ,
Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги Миришкор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Яхшилар гулшани

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

СУДХЎРЛИК – ЕТТИ ГУНОҲНИНГ БИРИ

Ҳадиси шарифда ҳалокатга олиб борувчи етти хил гуноҳдан сақланинглар, деб огоҳ этиладилар. Улар - тангрига ширк келтириш, сеҳр ишлари билан шуғулланиш, бировни ноҳақ ўлдирмоқ, судхўрлик, етимлар молини емоқ, ватан ҳимояси учун бўладиган урушдан қочиш ва ниҳоят эрли, мўмина, иффатли аёлларни фоҳиша, деб ҳақоратламоқдир.

Судхўрлик гуноҳидан ҳам ашаддийроқ гуноҳ йўқ. Бинобарин, гуноҳдан нари турай, деган мўмин киши судхўрликдан узоқ юриши, ўзгаларни ҳам бу йўлдан қайтариши лозим.

Судхўрлик, бу - накд пулни, маълум муддатга фоиз ҳисобига яъни ортиқча қилиб ундириш бериб туришдир. Шу ўринда, алоҳида эътибор бериб, билиб, англаб олмоқ зарурки, фоиз ҳисобига берилган пул, қарз эмас, текин пул ишламоқ учун қилинган гуноҳли хатти-ҳаракатдир. Зеро, муқаддас китобимиз Ҳадисда Пайғамбаримиз (САВ) таъкидлайдиларки, кимки бировга пул қарз берса ёки эҳсон қилса, гўё бир қулни озод қилганчалик савобга эга бўлади.

Бу ишнинг гуноҳ бўлишлигига, бу билан ҳеч ким бой бўлмаслигига, аксинча, охири соврулиб кетишлигига, Оллоҳ таоло охиратда бунга қандай азоблар беришлигига Муҳаммад Мустафо (САВ) ҳам Ҳадиси муборакларида кўп эътибор қаратганлар.

Оллоҳ таолонинг каломида бу борада шундай дейилади: Мазмуни: Инсонлар борки, судхўрлик билан шуғулланишади, пул бериб, пулдан фойда олиб, харж қиладилар. Ана шундайлар, қабрида жин урган ҳолда туради. Ҳаётда, маълумингиз жин урди деган ибора бор. Агар бирон-бир инсонни ақли ожизланиб, девонага ўхшаб, анқовсираб қолса, буни жин уриб қолибди деймиз. Баъзилар судхўрлик ҳам тижоратга, олди-соттига ўхшаган нарсада,дейдилар. Шундай дегувчилар Оллоҳ ҳаром қилган нарсани, ўзларича ҳалол қилиб олганлардир.

Оллоҳ савдо-сотиқни ҳалол, деган. Савдо - олди-сотти ҳалол, лекин Оллоҳ, фоиз олишликни пул бериб, унинг устидан пул олишликни судхўрлик деди, ҳаром қилди.

Кимки шу насиҳатнинг, шу оятнинг маъносини тушуниб етиб, гуноҳидан қўрқиб: Ё раббим, мен билмай қилиб юрган эканман, менга биров айтмаган эди, тушунтирмаган эди, деб тавба қилса Оллоҳнинг раҳмати кенг, олдинги қилган гуноҳини тугатар экан.

Жаноб Муҳаммад (САВ) марҳамат қилиб айтадиларки, Макка фатҳ этилиб, у ерга мусулмонлар кириб келганда, жоҳиллар, кофирлар, «Ло илоҳо иллаллоҳ Муҳаммадун Расуллуллоҳ» деб иймонга келишган экан. Шуларнинг ичида кўпи судхўр бўлиб кетган экан. Ҳатто ҳазрати Аббоснинг атрофида ҳам судхўр бўлиб кетганлари бор экан. Улар ҳам иймонга келишгандан кейин, жаноб Муҳаммад (САВ) айтадиларки, судхўрлик, фоизхўрлик, жоҳиллик пайтида нима ўтган бўлса, ҳаммаси оёғимнинг остида қолди. Тамом энди. Энди буёғига тавба қилиб, бошқа қилмайдиган бўласизлар, Оллоҳ таоло аввалги, қилган гуноҳларингизнинг ҳаммасини кечиради.

Диққат қилинг, Пайғамбаримиз (САВ) қайтариб беринглар, олган фоизларингизни, демадилар. Оёғим остида қолди, тавба қилинг, дедилар. Демак бундан шундай хулоса чиқадики, билмасдан, ўқимасдан бу гуноҳли ишни қилган шахслар, тавба қилса бас, гуноҳи кечирилади.

Оллоҳ яна айтадики: Кимки шу тавбасидан қайтса, шу гуноҳ ишни яна қилаверса, ҳа бу ҳам битта гап-да, фоизини қилиб бермаса, ҳар жойдан фойда келмаса, нима қиламан деб, савдо қилмасдан пулнинг ўзини, бировга қарз, фойдага бериб, шуни еса, ундай банда абадий дўзахда қолиб кетади. Ундайларга охиратда ниҳоятда катта азоблар бор. Мана бунинг тасдиғини, пайғамбаримизнинг (САВ) муборак ҳадисларида ҳам кўрамиз.

Суд - дегани фойда, хўр дегани ейди дегани, Судхўр - фойдахўр деганидир. Бундайлар берган пулини пийсабилло бермай, фойда есам, бераман дейди.

Лекин қарз беришнинг турлари кўп. Биров уйини, биров машинасини ижарага қўйиб, пул олади. Бундайларни судхўр дейиш керакмас. Бу фақат, биров пул сўраб келсаю, мана сенга минг сўм, минг сўмимни бир минг икки юз қилиб, қайтарасан, дейдиганларга тааллуқли. Ўшандайларнинг олган пули, фоизи ҳаромдир. Шундай йўл билан бойиганнинг гуноҳини Пайғамбаримиз (САВ) айтиб, дейдиларки, кўзларингизни очинглар, етмиш бўлакдан кўпроқдир унинг гуноҳлари, судхўрликнинг гуноҳи.

Энди турли банкларга пул қўйиб фоиз олишга келсак, уни сизга давлат беради, сиз давлатдан сўрамайсиз манга бергин, деб. Лекин, одамга берятганингизда, мана сенга беряпман, менга шундай қилиб қайтарасан десангиз, олсангиз гуноҳ.

Судхўрликдан ҳеч ким бой бўлмайди. Лекин, ҳалол қарз - садақадан афзал. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, кимнингдир пул бериб, фоиз сўраганини эшитса-ю, адашганни бу йўлдан қайтармаса, у ҳам гуноҳга шерик бўлади.

Оллоҳ судхўрликдан баракани олиб қўяди, хор қилади. Охир-оқибат судхўр - зиқна бўлиб қолади. Пули бўла туриб сарф-харж қилгиси келмайди. Нафсига қул бўлиб қолади, ишламай топишни, кўпайтиришни ўйлайди. Бундай салбий образни Садриддин Айнийнинг романидаги Қори ишканба қиёфасида яққол кўрамиз, унинг тақдири ҳам ўлим билан тугайди.

Оллоҳнинг ўзи, барчамизни тўғри, ҳалол ҳидоят йўлидан адаштирмасин.

Футбол

DАСТЛАБКИ МАРРА ЭГАЛЛАНDИ

Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг биринчи босқичида муваффақият қозонган Ўзбекистон миллий терма командаси энди навбатдаги ўйинларга тайёргарликка киришиши мумкин. Бунга Владимир Сальков шогирдлари Иорданияда ўтган иккинчи давра ўйинларининг иккинчи туридаёқ эришган эдилар.

Тошкентдаги мусобақаларнинг сўнгги куни йигитларимиз кутилмаганда иордан футболчилари билан жуда қийин кечган баҳсда 2:2 ҳисобида дурангга эришиб, мухлисларни хавотирли аҳволга солиб қўйишганидан хабарингиз бор. Аммо, хайриятки, миллий терма командамиз ўзини ўнглаб олишга ва сафардаги учрашувларда ғалабага бўлган иродасини намойиш қилишга муваффақ бўлди.

Туркманистон терма командаси билан ўйинда футболчиларимиз 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олгач (гол муаллифлари - Қосимов ва Ирисметов), ўз дарвозаларидан ҳам икки тўп олиб чиқишганда кўнглимизда яна хавотир пайдо бўлган эди. Бироқ иккинчи таймда Бақоев, Акопянц ва Георгиевлар ўз фаоллигида йирик ғалабани таъминлашди. Шу ўринда терма командамиз заҳира ўриндиғидан майдонга тушган йигитлар ўзларини кўрсатишганига эътиборни қаратишни хоҳлардик.

Иккинчи даврада Хитой Тайпейи жамоаси ўйиндан ўйинга маҳоратини ошириб бораётганига гувоҳ бўлдик. Тайпейликлар иордан футболчиларига ҳам, туркманистонликларга ҳам муносиб қаршилик кўрсатишди. Мезбонлар фақат сўнгги 5 дақиқа мобайнида уч гол киритишгач, якуний ҳисоб 6:0 экани аён бўлди. Қўшниларимизни эса тайпейликлар битта гол билан кифояланишга мажбур қилишди.

Эътиборлиси, мана шу ўсиб бораётган команда билан баҳсда Сальков шогирдлари хотиржамлик билан ишончли ўйин кўрсатиб 4:0 ҳисобида зафар қучишди. Қосимов ва Ирисметов иккитадан киритган тўплар Осиё қитъасидаги 7-саралаш гуруҳида ким ғолиб чиқиши масаласи бизнинг фойдамизга ҳал бўлганини англатди. Чунки шу куни мезбонлар туркманларга муҳим учрашувда имкониятни бой бериб, мухлисларнинг сўнгги умидларини чиппакка чиқаришган эди.

Энди охирги турда Иордания билан ўйин қандай натижа билан якунланишидан қатъи назар, Ўзбекистон терма командаси пешқадамликни ҳеч кимга бермаслиги аниқ бўлиб қолган эди. Шу боисдан ҳам мураббийларимиз учрашувни деярли иккинчи таркиб билан бошлашди. Ҳақиқий мухлислар ўйинни ойнайи жаҳон орқали томоша қилгани боис тафсилотларга тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Рақиблар биттадан голни пенальтидан дарвозаларга йўллашди ва бу сафар ҳам ўйин дурранг натижа билан ниҳоясига етди. Мана шу учрашувни кузатиш давомида пайдо бўлган айрим фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз, холос.

Биринчидан, Осиё қитъасида мезбонлар билан ўйнайдиган жамоа рақибидан жуда катта устунликка эга бўлган тақдиргина ўзини хотиржам ҳис қилиши мумкин. Эътибор берган бўлсангиз, ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган ўйинда ҳам ҳакамнинг ҳуштаги фақат Иордания терма командаси фойдасига чалинди. Георгиевни жарима майдончасида чалиб йиқитишди, муқаррар пенальти эса дарвозадан узоқроқдан жарима тўпи билан алмаштирилди. Ашурметов мезбонлар ҳужумчисига қарши қўполликка йўл қўймаган эса-да, Сафонов дарвозаси томон пенальти белгиланди. ...Маминов жарима майдончасида рақибни алдаб ўтаётганда ҳимоячи тўпни қўли билан тўхтатиб қолгандагина ҳакамнинг пенальти белгиламасликка иложи қолмади.

Иккинчидан, терма командамиз асосий таркибидаги қанот ярим ҳимоячиларига муносиб ўринбосар ҳозирча кўзга ташланмаяпти. Ширшов ва Давлетовнинг ўрни Иордания билан ўйинда айниқса яққол сезилди. Сальков 2-таймда Қосимов ва Ирисметовни майдонга туширишга мажбур бўлгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Учинчидан, ҳимоя чизиғимиз ҳамон ишқибозларни хавотирга солишда давом этяпти.

Ҳужумчиларимиз яратилган имкониятлардан самаралироқ фойдаланишга ўрганишса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки навбатдаги босқичда рўбарў келадиган жамоалар билан учрашувларда ҳал қилувчи зарбани бериш учун имконият унча кўп бўлмаслиги мумкин.

Шундай бўлсада, илк босқичдан эсон-омон ўтиб олдик. Марказий Осиёдан фақат Ўзбекистон терма командаси 2002 йил ёзида Корея ва Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун курашни давом эттираяпти, холос. Насиб этса, Максим Шацких, Павел Бугало ва бошқа бир қатор йигитларимиз сафга қайтади. Командамиз аъзоларининг бир-бирини тушуниши осонроқ кечадиган бўлади. Демак, эртанги кунга умид билан боқиш учун асос бор.

Ана шу умид ишончга, кейин эса йигитларимизнинг муваффақиятидан фахрланишга айланишини ҳар бир ишқибоз жуда-жуда хоҳлайди. Шундай эмасми?

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

Ҳайитбой Муҳиддинов Юнусобод туманидаги Кулолқўрғон маҳалласида умргузаронлик қилади. У киши маҳалланинг кекса оқсоқолларидан. Ўзи иқтисод фанлари номзоди бўлган бу оқсоқолга маҳалла аҳли ўз тақдирини икки бор ишониб топширди.



ДАВР БИЛАН ЁНМА-ЁН

- Мен биринчи бор Собиқ иттифоқ даврида 1985-78 йиллар маҳаллага раислик қилдим, - дейди Ҳайитбой ака бироз жилмайиб. - У пайтларда бизда ҳеч қандай ваколатлар йўқ эди. Асосий ишимиз тўй - маъракаларга бош-қош бўлишу катталарнинг чизган чизиғидан чиқмай юриш эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин яна бир бор менга 1995-98 йилларда маҳаллага оқсоқол бўлиш насиб этди. Бу вақтга келиб маҳалла раисларига кўплаб ваколатлар берилган, шу билан бирга уларнинг зиммасидаги масъулият ҳам ортган эди. Оқсоқол ҳамиша давр билан шахдам ёнма ён қадам ташлаш керак экан. Маҳалла раислигига сайланган Ҳайитбой ота ишни маҳаллани ободонлаштиришдан бошлади. Маҳалла аҳлининг кундалик турмуши учун энг зарур бўлган тоза ичимлик суви, табиий газ, кўчаларни асфальтлаш, маҳалла кўчаларини ёритиш учун тинмай елди югурди.

- Бир эшикка тинмай бораверсангиз охири ниятингизга эришар экансиз. Менинг ҳам елиб югуришларим бесамар кетмади. Режалаштирган ишларим амалга ошди. 1995 йил 2 жойда газ билан таъминлайдиган нуқта очдик. Тоза ичимлик суви олиб келдик, ёритиш чироқлари ўрнатдик. 1997-98 йилларда ҳам иккита катта ишни амалга оширдик. Биринчи ишимиз маҳаллада оқава сув қувурлари юз фоиз хонадонларга ўтказган бўлсак, иккинчи ишимиз кўчаларни асфальтлаш бўлди.

- Бу дунёда кишидан қилган яхши ишлари қоларкан. Ҳар тонг ўрнимдан туриб юртимиз тинч, халқимиз омон бўлишини Яратгандан сўрайман, - дейди Ҳайитбой ота. Ҳозирда маҳалла фаоллари қаторида ўзининг беминнат маслаҳатларини аямай келаётган Ҳ.Муҳиддиновга ўхшаган инсонлар бор бўлсин.

О.БЕГАЛИЕВ,
«MAHALLA» мухбири.

Тошкент

Хотира ва Қадрлаш куни

ҚАЛБИМИЗ АРДОҒИДАГИ ҚАҲРАМОНЛАР

Фашист босқинчиларга қарши жангларда Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидаги «Оқмачит» маҳалласидан ҳам юзлаб йигитлар қатнашиб, жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатганлар. Уларнинг айримлари шон-шуҳратлар қуршовида қадрдон уйларига қайтган бўлсалар, 18 нафар йигит қаҳрамонларча ҳалок бўлиб, шаҳид кетдилар. «Оқмачит»ликлар жанг майдонларидан омон қайтганларни ҳам, шаҳид кетганларни ҳам ҳеч қачон унутмайдилар. Улар ҳар йили уруш қурбонлари ва фахрийларини эслашиб, хотира ва қадрлаш маъракасини ўтказадилар.

Яқинда маҳаллада ана шундай хайрли тадбир уюштирилди. Унда фуқаролар йиғини раиси Саъдулла Иброҳимов маҳалладошларининг жангларда ҳам, уруш ортидаги меҳнат жабҳасида ҳам фидокорлик кўрсатганликлари, урушдан омон қайтганларнинг кўпчилиги тинчлик даврида узоқ йиллар мобайнида турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилишиб, бошқаларга ўрнак бўлганликлари ҳақида фарланиб гапирди. Маърака охирида иккинчи жаҳон ва афғон урушида қатнашганларга совға саломлар улашилди. Сўнгра анъанага кўра ҳалим тарқатилди, Қуръон тиловат қилинди. Хотира ва қадрлаш маъракасида қатнашган «оқмачит»ликлар ва меҳмонлар байрам файзини оширишга муносиб ҳисса қўшган санъаткорларнинг куй ва қўшиқлардан беҳад миннатдор бўлдилар.

Биз бу тадбирни ўтказиш учун унинг барча сарф-харажатларини ўз зиммаларига олган саховатпешалар Мансур Каримхўжаев, Жасур Ғиёсхўжаев, ака-ука Соиб ва Исроил Шамсиев, Қуддус Пўлатовларга миннатдорлик билдирамиз.

«Оқмачит»ликлар ўз кучлари билан маҳаллада хотира боғи ташкил этишган. Шу кунларда бу боғда ободончилик ишлари олиб борилмоқда, янгидан мевали ва манзарали кўчатлар, гуллар экилди. Урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликни таъмирлаш чораси кўрилмоқда.

Абдураим ОТАМЕТОВ,
маҳалла фуқароси

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ ТАДБИРЛАРИ

Самарқанд

Пасдарғом тумани ҳокимлиги ва туман Оқсоқоллар кенгаши катта байрам тадбири ташкил этишди. 120 кишидан иборат тадбир иштирокчилари Навоий ҳамда Ўзбекистон хўжаликларидаги Хотира ёдгорлик мажмуасига гулчамбарлар қўйиб ўтганлар хотирасини ёд этишди. Шундан сўнг тумандаги «Наврўз» оромгоҳида бир пиёла чой устида қурилган суҳбат уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва бошқа тадбир иштирокчилари қалбига олам-олам қувонч бахш этди. Туман маданият бўлими томонидан тайёрланган концерт дастури байрам иштирокчиларига манзур бўлди. Тадбир сўнгида туман ҳокими Ш.Эсонов 120 нафар фахрийларга пул мукофоти ва бошқа эсдалик совғаларни топширди.

Ш.ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Қорақалпоғистон

Орол бўйи ҳудудидаги шаҳар ва овулларда 9 май- Хотира ва Қадрлаш кунини кенг миқёсда нишонлаш учун барча тадориклар кўрилганди. Бу орада «Маҳалла» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ва Меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг жойлардаги ташкилотлари фаол амалий ҳаракат қилдилар. Айниқса, фашизм вабосини ер юзидан супуриб ташлашда жон фидо қилган ўғлонларга эл иззат-ҳурмат кўрсатди. Уларнинг мислсиз жасорат ва беқиёс хизматлари яна бир бора эътироф қилинди. Барча жойда Хотира ва қадрлаш куни олдидан тадбирлар ташкил этилиб, бир неча минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари қатнашди. Фахрийларга эсдалик совғалари тантанали вазиятда топширилди. Бу тадбирлар учун Қорақалпоғистон республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш вазирлиги салкам 1 миллион сўм сарфлади.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири

Мунажжимлар башорати

Келаётган ҳафта сиз учун

Қўй (21.03-21.04). Ҳафта сиз учун кўнгилдагидек кечади. Фақат жума куни соғлигингиз бироз безовта қилиши мумкин. Дам олиш кунлари амалий учрашувлар бўлиши, хушхабарлар келиши эҳтимоли бор.

Бузоқ (22.04-20.05). Ҳафта сизнинг эзгу орзуларингиз ушаладиган кунлардан иборат. Аввалига ишқий саргузаштни бошдан кечирасиз. Кейин амалий мулоқотлар кутмоқда. Чоршанбада ўзингиз ёқтирган нарсаларни харид қиласиз. Лекин, сарфлаган пулингизга сира ачинманг. Жума ва шанбада қўлингизга мўмай пул тушиши мумкин.

Эгизаклар (22.05-21.06). Ҳафтани нимадир сотиб олишдан бошлайсиз. Чоршанба - амалий учрашувлар ва музокаралар ўтказиш учун қулай кун. Пайшанбада соғлигингизни эҳтиётланг, жума куни можароли вазият юзага келиши мумкин.

Қисқичбақа (22.06-22.07). Фақат душанба бироз омадсиз ўтганини айтмаганда, ҳафта сизга нохушлик келтирмайди. Чоршанбада хаёлий саргузашт кутмоқда, кейинроқ хушхабарлардан воқиф бўласиз. Амалий иш билан боғлиқ учрашувларни якшанбага белгиланг.

Арслон (23.07-22.08). Бу ҳафтада таваккал қилманг - алданиб қолишингиз мумкин. Шунингдек, ҳафта охирида омадсизликдан ўзингизни асранг. Бу орада яхши хабар эшитасиз. Шанба куни ҳатто пул ишласангиз бўлади.

Паризод (23.08-22.09). Чоршанбада можароли вазият рўй бериши эҳтимоли бор. Ҳафтанинг қолган кунлари кўнгилдагидек кечади. Дастлаб моддий аҳволни яхшилаб оласиз, кейин омад кулиб боқади. Дам олиш кунларини хаёлий саргузаштлар ва амалий учрашувлар билан ўтказасиз.

Тарози (23.09-22.10). Пайшанба куни уйда ёки ишда бирон-бир можаро чиқишидан эҳтиёт бўлсангиз бас. Ҳафтанинг қолган кунлари тинч ўтади. Ҳатто қўлингизга пул тушиб хаёлий саргузаштларни бошдан кечиришингиз мумкин.

Чаён (23.10-22.11). Бу ҳафта сиздан ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Чоршанба - можароли вазиятларга дучор этиши, пайшанбада эса соғлигингиз безовта қилиши эҳтимоли бор. Лекин, ҳафтанинг сўнгги кунлари яхши кечади: амалий учрашув, хаёлий саргузашт...

Ўқотар (23.11-21.12). Ниманидир харид қилиш билан бошланадиган бу ҳафта сиз учун осуда ва омадли кунларга бой. Чоршанба куни яқин дўстингиз билан учрашасиз. Пайшанба олислардан яхши хабарлар келтиради. Шанба куни кимдир сизга дилини очади. Якшанбада яхши дарак эшитасиз.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Ҳафтанинг аввалдан охиригача омадингиз чопади. Фақатгина чоршанба куни бироз можароли кечса, эртасига дам олганингиз, спорт билан шуғулланганингиз маъқул. Кетма-кет икки кунни: шанба ва якшанбани хаёлий саргузаштлар оғушида ўтказасиз.

Қовға (20.01-18.02). Сизни омадли, фаол ишчанлик ҳафтаси кутаяпти. Осуда бошланган душанбадан кейин амалий учрашувлар ва музокаралардан бўшамай қоласиз. Шанба бироз руҳингизга ором бағишлайди, лекин якшанба куни ижодий фаолиятингиз энг авжига чиқади.

Балиқ (19.02-20.03). Чоршанбада бироз омадсизлик келтиришини айтмаса, ҳафта бениҳоя ажойиб. Аввал ўзингизга зарур нарсаларни харид қиласиз. Кейин тузуккина пул ишлайсиз, омадингиз чопиб, ишқий саргузаштларни бошдан кечирасиз.

БОШҚОТИР...

ЭНИГА: 7. Баҳор элчиси - ўсимлик. 8. Самарқанд шаҳридаги қадимий обида. 10. Куз пишар ҳўл мева. 11. «Тошпўлат тажанг нима дейди» ҳажвий ҳикояси муаллифи, адиб. 12. Ширинлик тури. 15. Бухоронинг аёллар чим хоккейи жамоаси. 16. Халқ - жамоа. 17. Манфий зарядли ион. 18. Абдулла Қаҳҳор романи. 22. Тошкент вилоятидаги дарё. 23. Энг қадимий ва энг замонавий тикув машинаси. 26. Бадиий ижод тури. 27. Республикамизда чоп этиладиган рўзнома. 28. Сувнинг бир томонга қараб йўналиши. 31. Ҳиндистоннинг катта шаҳарларидан бири. 32. Тил биладиган киши.

БЎЙИГА: 1. Кемирувчи ҳайвон тури. 2. Республикамизга чегарадош давлат. 3. Россия эстрада юлдузларидан бири (исми). 4. Чорвачилик иншооти. 5. Оҳу тури. 6. Бирон нарсанинг емирилган, ўйилган жойи. 9. Умрбоқий дарахт. 13. Оврўпадаги давлат. 14. Ўзбек халқ достони. 19. «Фарғона тонг отгунча» асари муаллифи. 20. Чолғу асбоби. 21. Жанубий вилоятимиздаги туман. 24. Қимматбаҳо буюмлар ясаладиган юқори сифатли тиниқ оқ шиша. 25. Австралия пул бирлиги. 29. Африкадаги давлат. 30. Ўзбек мумтоз куйларидан бири.

Тузувчи Музаффар НОРМАТОВ.



МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ ВА ҲОМИЙЛАР ДИҚҚАТИГА

«МАҲАЛЛА МУРУВВАТИ»

корхонасида маҳалла болалари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги турнири қатнашчилари учун арзонлаштирилган нархда мусобақа рамзи туширилган футбол кийимлари тайёрланмоқда.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Меҳнатдўст кўчаси, 26-уй.

Телефонлар: (8-3712) 47-83-03; (8-371) 139-05-25; 136-71-88; 136-37-66.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Саҳифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
Д. БЕКМУРОДОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

Буюртма Г-2437

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди—20.30